

# “ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Сурхондарё вилояти,  
Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй.

2023 йил 16-июнь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **9:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **9:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188 дона

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2023 йил 22-майдаги 01-01/058А - сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 24-майдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2023 йил 16- июнда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 12-июнь.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 256 736 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан Тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Хақимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. А.Исломов–“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. Қаюмов Махмуд Маннонович – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Қиличов Ўктам Менгнарлович - жамият Бош директори в.в.б;

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2023 йил 12июнь ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 887 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 952 916 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 79,25 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

У.Маматалиев – жамиятнинг Бош ҳисобчиси;

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторнинг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2023 йил молия хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
12. Жамият омборида сақланаётган яроқсиз холга келган айрим товар моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 12 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

А.Исломов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил 24-майдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига “Шеробод пахта тозалаш” АЖ бош ҳисобчиси – Маматалиев Умар Нуриддинович, Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасиси – Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич, жамиятнинг материал харажат ва иш ҳақи бўйича мутахасис – Юлдошев Ориф Сахатмуродовичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 952 916 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари навбатдан ташкари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**2. Уч кишидан иборат қўйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

**1) Маматалиев Умар Нуниддинович;**

**2) Зубаев Улуғбек Муҳаммадиевич;**

**3) Юлдошев Ориф Сахатмуродович;**

**3. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта БХМ (базовий ҳисоблаш миқдори)нинг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** жамият Бош директори в.в.б Ў.Қиличов сўзга чиқиб, 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1-илова қилинади).

Ҳисоботда, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият Бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори в.в.б Ў.Қиличовга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан Бош директорнинг 2022 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 1 952 916 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият Бош директорининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи У.Маматалиевга берди. (Ҳисобот 2-илова қилинади)

У.Маматалиев йиғилиш иштирокчиларини 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи билан таништирди.

А.Исломов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Ёқлаганлар – 1 952 916 та овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** У.Маматалиев сўзга чиқиб, “НІМОУА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2023 йил 30-майдаги аудиторлик

текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. (хулоса 3-илова қилинади).

**“НІМОҲА FAIR” МЧЖ** аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттиради.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича **“НІМОҲА FAIR” МЧЖ** аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 30-майдаги аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Ёқлаганлар – 1 952 916 та овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ;  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади.**

**1. “НІМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 30-майдаги аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот 4-илова қилинади).

Ҳисоботга асосан Кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган мажлислар, мажлисларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Ёқлаганлар – 1 952 916 та овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ;  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси А.Исломов сўзни жамият бош директори Ў.Қиличовга берди.

Ў.Қиличов жамият 2022 йил якунини 141 301 000 сўм соф фойда билан якунлаганлигини ва уни жамият Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ қуйидагича тақсимланиши тавсия этилганлигини маълум қилди:

- соф фойданинг 5 фоизи – 7 065 050 сўмни захира фондига йўналтириш;
- соф фойданинг 40 фоизи – 56 520 400 сўмни жамият кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлашга йўналтириш.
- соф фойданинг 55 фоизи – 77 715 550 сўмни тақсимланмасдан жамғарилган фойда тарикасида қолдириш ҳамда мазкур 77 715 550 сўм маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш.

Шундан сўнг йиғилиш раиси ушбу масалага бюллетен орқали овоз беришни сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Ёқлаганлар – 1 952 916 та овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ;  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилади:

1. Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича олинган 141 301 000 сўм соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- 7 065 050 сўм ёки соф фойданинг 5 фоизи жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 55 фоизи – 77 715 550 сўмни тақсимланмасдан жамғарилган фойда тарихида қолдириш ҳамда мазкур 77 715 550 сўм маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

- соф фойданинг 40 фоизи – 56 520 400 сўмни жамият кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлашга йўналтирилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, жамият бош директори в.в.б Ў.Қиличовга ваколати тугаганлиги, ва Бош директор лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Мазкур масала бўйича М.Қаюмов сўзга чиқиб Ў.Қиличовни жамиятнинг навбатдаги йиғилишига қадар ўз вазифасида қолдириш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди. Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 1 952 916 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ Бош директори в.в.б Қиличов Ўктам Менгнарорович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор в.в.б Қиличов Ўктам Менгнарорович билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2023 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори в.в.б Ў.Қиличовга:

-ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

-“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш “Лойиха офиси” ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг бош ҳисобчиси У.Маматалиев сўзга чиқиб, жамиятда 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат

таклифлари билан йиғилиш катнашчиларини таништирди: (Тижорат таклифлар 5-илова килинади)

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси	Аудиторлик текшируви учун таклиф қилинган нарх (минг сўм)
1	“ GREAT FOURS ” МЧЖ	18.04.2023 й № 25/2	11 500,0
2	“AUDIT-HISOB MARKAZI”	15.04.2023 № 5	10 640,0
3	“FINANCE - AUDIT” МЧЖ	19.04.2023 й № 04/1904	9 000,0
4	“HIMOYA FAIR” МЧЖ	18.04.2023й № 4/23	9 500,0
5	“MUSTAQIL – M” МЧЖ	20.04.2023 № 3/200423	14 000,0

Муҳокама давомида жамият акциядори У.Зубаев жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорларидан 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

#### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ,

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“AUDIT-HISOB MARKAZI” аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ,

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“FINANCE AUDIT” МЧЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – 1 952 916 та овоз, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ,

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“HIMOYA FAIR” МЧЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ,

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“MUSTAQIL - M” аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ,

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “FINANCE AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори 9 000 000 сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва ҳулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори в.в.б Ў.Қиличовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа 6-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёклаганлар” – 1 952 916 та овоз, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ, Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**1. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 256 736 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва жамиятнинг 51 864 дона акция эгаси Аннаев Ўқтам томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Бобокелдиев Бахриддин – “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офиси” Бош юристконсулти;

Исломов Акмал Хакимович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

Халбаев Тўрамурод Жайловович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси Бошқарма бошлиғи ўринбосари;

Халиков Сайдулло Мамаюсупович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси Бошқарма бошлиғи;

Гулямов Нигматулло Кадирович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси:

Аннаев Ўқтам томонидан номзод сифатида

Қодиров Ўткирбек Фозилович – “Жарқўрғон пахта тозалаш “ АЖ бош ҳисобчиси;

Қаюмов Махмуд Маннонович- Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ, директори;

Холиков Сухроб Боборахматович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ Кадрлар бўлими бошлиғи номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

**Бобокелдиев Бахриддин Абдурауфовичга:**

“Ёклаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Исломов Акмал Хакимовичга:**

“Ёклаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Халбаев Тўрамурад Жайлоловичга:**

“Ёклаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Халиков Сайдулло Мамаюсуповичга:**

“Ёклаганлар” – 1 759 430 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Гулямов Нигматулло Кадировичга:**

“Ёклаганлар” – 1 770 478 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

**Қодиров Ўткирбек Фозиловичга:**

“Ёклаганлар” – 2 425 584 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Қаюмов Махмуд Манноновичга:**

“Ёклаганлар” – 2 425 584 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

**Холиқов Сухроб Боборахматовичга:**

“Ёклаганлар” – 11 046 та овоз; “Қаршилар” - йўк; “Бетарафлар” – йўк; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўк.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

**“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. **Бобокелдиев Бахриддин Абдурауфович** – “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офиси”, Бош юристконсулти.

2. **Исломов Акмал Хакимович** - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, Тугатиш комиссияси раиси.

3. **Халбаев Тўрамурад Жайлолович** - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси, Бошқарма бошлиғи ўринбосари.

4. **Халиков Сайдулло Мамаюсупович** - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси, Бошқарма бошлиғи.

5. **Гулямов Нигматулло Кадирович** - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, Тугатиш комиссияси аъзоси.

**Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. **Қодиров Ўткирбек Фозилович** – “Жарқўрғон пахта тозалаш” АЖ бош хисобчиси;

2. **Қаюмов Махмуд Маннонович** - Депозитарий “Сурхондарё ВАКТ” МЧЖ директори.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўз олди. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офисининг 2023 йил 22-майдаги SX-09/320-сонли хати билан тизимдаги пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари ижро органи ходимларининг штатлар жадвали лойихаси тавсия сифатида юборилганлиги ҳамда ушбу хат билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди (7-илова).



Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен оркали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 1 952 916 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият ходимларининг штатлар жадвали 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўз олди. Жамият омборида сақланаётган яроқсиз холга келган айрим товар моддий бойликларни хисобдан чиқариш тўғрисида тўхталиб ўтди, ва ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен оркали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – 1 952 916 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият омборида сақланаётган яроқсиз холга келган айрим товар моддий бойликлар хисобдан чиқариш мақсадга мувофиқ эмас деб топилсин**

Йиғилишда раислик қилувчи:

А.Исломов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев



Йиғилиш баённомаси 2023 йил 22 июнь куни икки нусхада тузилди.